


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Чортоқ туман халқ таълими бўлими

Мудири Харид комиссиясининг

раиси  Ф.Баҳодиров

“12” октябрь 2022 йил



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЧОРТОҚ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ

53-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФАОЛЛАР ЗАЛИ ҚУРИШ ИШЛАРИ
ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Чортоқ туман-2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисим
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонлий үлттаги мактабига фаоллар зәли қуриш ишларига лойха хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танлов юқори қиймати 43 934 000 (Қирқ уч миллион тўққиз юз ўттиз тўрт минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларини бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишлар бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чортоқ туман халқ таълими бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Чортоқ шахар Истиқлол хиёбони кўчаси 6-ўй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Чортоқ туман халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги;

- объект мураккаблик даражасига қараб, “лицензия” ва “гувохнома”

- Моддий-техник базаси хамда ташкилотнинг оргетехник рўйхати ускуналари
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёт сугирталанганилиги
- Техника хафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари хамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги хужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлар бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаслият қонунчиликка биноан лицензиягэ эга бўлган талабгорга рўхсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажрагиши, кўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифлар яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган холда ёки хар бир вароғини мухирлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдириши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчилари:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;